

Муҳаррам — тавба ойдир



16:00 / 11.08.2021 2901

Али розияллоҳу анҳу дедилар:

«Бир одам келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Рамазондан кейин қайси ой рўзасини тутишимни амр қиласиз?» деб сўради.

«Агар Рамазондан кейин рўза тутувчи бўлсанг, Муҳаррамни тут. Чунки у Аллоҳнинг ойдир. Унда Аллоҳ бир қавмнинг тавбасини қабул қилгандир ва бошқа қавмларнинг ҳам тавбасини қабул қиладир», дедилар».

Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган.

Демак, ушбу ҳадисдан олинадиган фойдаларимиз:

1. Қайси вақтда нафл ибодат қилиш афзал эканлигини билиб олишга қизиқиш, унинг пайдан тушиш фазийлат эканлиги.
2. Рамазон рўзасидан кейинги энг афзал рўза Муҳаррам ойи рўзаси эканлиги.
3. Муҳаррам ойи Аллоҳнинг ойи номига сазовор бўлган ой эканлиги. Зотан, барча ойлар ҳам Аллоҳникидир. Лекин Муҳаррам ойнинггина шу ном билан номланиши бу ойнинг шарафига шараф қўшади.

????????????? ?????? ??????????????????.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг Муҳаррам ойи (рўзаси)дир. Фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Рамазон рўзасидан кейинги энг афзал рўза Муҳаррам ойи рўзаси эканлиги.
2. Муҳаррам ойи Шаҳруллоҳ – Аллоҳнинг ойи деб номланиши.
3. Фарз намозидан кейинги энг афзал намоз тунги намоз эканлиги.
4. Муҳаррам ойида кўпроқ рўза тутишга ҳаракат қилмоғимиз лозимлиги.
5. Кечаси таҳажжуд намозлари ўқишга одатланишимиз кераклиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди.